

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил февраль ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Каюмов, судья ёрдамчиси Р.Абдурахманованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Имомов, судланувчи Б.Тогаев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Ходжаев, қонуний вакили Л.Тогаева, судланувчи Х.Шамшиев ва унинг ҳимоячиси адвокат З.Қурбоновнинг иштирокида, Тогаев Бахтиёр Буриевич ва Шамшиев Хамидулла Садиковичларга нисбатан 1-1001-2404/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тогаев Бахтиёр Буриевич (Togayev Baxtiyor Buriyevich) 1981 йил 23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 2-уй, 6-хонадонда яшаган, 17.11.2023 йилдан қamoққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 19.01.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисми билан айбланган;

Шамшиев Хамидулла Садикович (Shamshiev Xamidulla Sadikovich) 1973 йил 15 май куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик МФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 39-уйда яшаган, 17.11.2023 йилдан қamoққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 28.12.2023 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 2-қисми ва 251¹-моддаси 3-қисми билан айбланган;

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари, судланувчиларнинг ҳимоя нутқи ва охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни



АНИҚЛАДИ:

2023 йил 5 октябрь куни соат 10-30 ларда Б.Тогаев “махсус харидор Б.С.” билан Чилонзор тумани, “Ипподром” буюм бозори олдида кўришиб, унга инсон руҳиятига кучли таъсир қилувчи “Zardeks” номли психотроп моддаларининг ҳар бирини 60.000 сўмдан ҳисоблаб, 40 донасини жами 2.400.000 сўмга сотишга келишиб, психотроп моддаларни таниши Х.Шамшиевдан олиб беришини айтиб, махсус харидор билан бошқарувидаги “Матиз” русумли, 01G714WB давлат рақамли автомашинада Х.Шамшиев яшайдиган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Тинчлик” маҳалласига бориб, махсус харидордан 2.400.000 сўмни олиб, уни автобус бекати олдида қолдириб, ўзи Х.Шамшиевнинг яшаш уйига бориб, унга 2.000.000 сўмини бериб, эвазига 46 дона “Zardeks” номли психотроп моддаларини олиб, белгиланган манзилга қайтиб келиб, махсус харидорга 40 дона “Zardeks” номли психотроп моддаларни берган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда қўлга олинган ва Б.Тогаевнинг ёни кўздан кечирилганда унинг чўнтагидан 6 дона “Zardeks” номли психотроп моддалари борлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ССВ ФМХМнинг 06.11.2023 йилдаги 874-сонли хулосасига кўра, Б.Тогаевдан олинган, “Zardeks 300 mg capsule pregabalin” ёзувли капсулалар таркибида “Прегабалин” моддаси мавжуд бўлиб, ушбу моддаларнинг 6 донасини соф миқдори 1,8666 граммни ва 40 донасини соф миқдори 12,444 граммни ташкил этган.

Шу куни тезкор тадбир давом эттирилиб, Б.Тогаевга психотроп моддаларни сотган Х.Шамшиевнинг бошқарувидаги “Матиз” русумли, 10X578WA давлат рақамли автомашина кўздан кечирилганда автомашина ичида келгусида қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида 24 дона ҳамда Х.Шамшиев яшаб келган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Тинчлик” маҳалласи, Ўзбекистон кўчаси, 39-уйда тинтув ўтказилганда, хонадон ётоқхонасидаги тўшак тагидан келгусида қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида 460 дона “Zardeks 300 mg” номли психотроп моддаларини сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ушбу моддалар ҳолислар иштирокида олиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ССВ ФМХМнинг 06.11.2023 йилдаги 874-сонли хулосасига кўра, Х.Шамшиевдан олинган “Zardeks 300 mg capsule pregabalin” ёзувли капсулалар таркибида “Прегабалин” моддаси мавжуд бўлиб, ушбу моддаларнинг 24 донасини соф миқдори 7,4664 граммни ва 460 донасини соф миқдори 143,106 граммни ташкил этган.

Суд мажлисида судланувчи Б.Тогаев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, Бегзод исмли шахс билан тахминан 3 йил олдин танишганлигини, Х.Шамшиевдан “Zardeks” номли дорини 50.000-60.000 сўмдан сотиб олиб, ўзи истеъмол қилиб келганини, Бегзод ундан 40 дона “Zardeks” кераклигини сўраганида 2023 йил 5 октябрь куни Бегзод билан Чилонзор буюм бозори рўпарасида учрашиб,



бошқарувидаги Матиз русумли автомашинада Х.Шамшиевнинг Янгийўл туманидаги уйига борганлигини, Х.Шамшиевнинг уйига яқин жойда Бегзоддан "Zardeks"нинг донасини 60.000 сўмдан ҳисоблаб, 40 донаси учун 2.400.000 сўм олганлигини, Бегзодни автомашинадан тушириб, Х.Шамшиевнинг уйига бориб, унга 2.400.000 сўм пулларни бериб, Х.Шамшиевдан 40 дона "Zardeks" моддасини олганлигини, шунда Х.Шамшиев унга бонус сифатида яна 6 дона "Zardeks"ни берганлигини, 46 дона "Zardeks"ни олиб Бегзодни олдиға қайтиб келиб, унга 40 дона "Zardeks"ни берганлигини, сўнг уларни номаълум шахслар тўхтатишиб ўзларини Департамент ходимлари деб таништиришиб, тезкор тадбир ўтказилаётганини айтишганини ва бошқарувидаги 01G714WB давлат рақамли, "Матиз" русумли автомашинани кўздан кечиришганини, автомашинанинг бардачоғидан Бегзодға берган 40 дона "Zardeks" моддаларини олишганлигини, яна психотроп моддалар борми деб сўрашганда чўнтағидаги 6 дона "Zardeks"ни ўз ихтиёри билан тақдим этганлигини, сўнг ходимлар билан унга 46 дона "Zardeks" моддаларини сотган Х.Шамшиевнинг олдиға боришганини ва ходимлар Х.Шамшиевнинг машинасини кўздан кечиришиб, 24 дона "Zardeks"ни олиб қўйишганликларини, сўнг тегишли хужжатлар расмийлаштирилганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи Х.Шамшиев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб қуйидагиларни, 2023 йил 5 октябрь куни таниши Б.Тоғаев қўнғироқ қилиб, 40 дона "Zardeks" дориси кераклигини сўраганида, унга уйға келаверишини айтганлигини, орадан 20-25 дақиқалар ўтиб, Б.Тоғаев олдиға келганлигини ва унга клиентига 40 дона, ўзига 6 дона жами 46 дона "Zardeks" кераклигини билдириб, унга 2.000.000 сўм пулларни берганлигини, пулларни олиб унга 46 дона "Zardeks" дорисини берганлигини, сўнг бошқарувидаги давлат рақами 10 X 578 WA бўлган, "Матиз" русумли машинасида ўтирганида, бир неча шахслар келишиб, ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ундан ким билан учрашиб, нима олди-сотди қилганини сўрашганида уларға 2.000.000 сўм эвазига 46 дона "Zardeks" моддаларини таниши Б.Тоғаевға сотганини билдирганлигини, шундан сўнг, автомашинаси холислар иштирокида кўздан кечирилганда 24 дона "Zardeks" ва 1 дона блокнот борлиги аниқланиб, ходимлар томонидан олиб қўйилганлигини, шундан сўнг ходимлар унинг яшаш хонадонини кўздан кечиришганда ётоқхонасидаги тўшак тағидан 460 дона "Zardeks" таблеткаларини топишиб, олиб қўйишганлигини, сўнг Департамент ходимларига ушбу психотроп моддаларни Шамшиев Азиздан сотиб олганлигини айтиб, унга қонуний чора кўришни сўраб ариза билан мурожаат қилганлигини, сўнг аризаси асосида тезкор тадбир ўтказилиб, А.Шамшиев психотроп моддалар билан қўлга олинганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.



Жиноят ишида махсус харидор “Б.С” қуйидагиларни, яъни, 2023 йил 4 октябрь куни унга олдиндан таниш бўлган Бахтиёр 91-004-35-20 рақамидан қўнғироқ қилиб, 40 дона “Zardeks” дори воситалари борлигини, ҳар бир донасини 60.000 сўмдан сотишини маълум қилганлигини, шунда унга сотиб олишини маълум қилиб, қаерда учрашишни сўраганлигини, Б.Тогаев Чилонзор тумани, Ипподром бозори ёнида учрашишни айтганлигини, Б.Тогаевнинг психотроп моддаларни сотиши ноқонунийлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, 2023 йил 5 октябрь куни Департаментнинг Мирзо Улуғбек туман бўлимига ариза билан мурожаат қилганлигини, шу куни аризаси бўйича тезкор тадбир ўтказилиб, тадбирда фойдаланиш учун холислар иштирокида 2.400.000 сўм пулларни беришганларини, сўнг Ўзбекистон Республикаси ДХХ, ИИВ ва Департамент ходимлари билан Ипподром бозори ёнига боришганини, Б.Тогаев билан “Матиз” автомашинасида учрашганини, сўнг Б.Тогаев нотаниш шахс билан телефонда гаплашиб, уйига бораётганлигини, 4 пачка “Zardeks” дорини тайёрлаб қўйишни айтганлигини, сўнгра Бахтиёр уни Зангиота туманига олиб борганлигини ва ундан 2.400.000 сўм пулларни олиб, уни автобекат олдига тушириб, шу ерда кутиб туришини айтиб, орадан 10 дақиқалар ўтгач қайтиб келиб, дориларни унга берганлигини, сўнгра у тегишли ишорани ходимларга билдирганини, сўнг ходимлар томонидан Бахтиёрга тегишли автомашина тўхтатилиб, тезкор тадбир бўлганлигини билдиришиб ундан дориларни қаердан олганлигини сўрашганда, Бахтиёр уларга дорини Хамидулла исмли танишидан олганлигини айтганини, сўнг улар Хамидуллани олдига боришганида Хамидулла ҳақиқатдан ҳам Бахтиёрга “Zardeks” дорисини сотганлигини билдирганлигини, сўнг Хамидулланинг машинаси кўздан кечирилганда 2.000.000 сўм пул ва “Zardeks” дориси борлиги аниқланганини ва ушбу нарсалар тегишли хужжатлар асосида олиб қўйилганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ А.Қодиров қуйидагиларни, 2023 йил 5 октябрь куни таниши О.Абдубакиров билан дўкон олдида туришганида таниши Х.Шамшиевни кўриб қолганлигини, у билан кўришиб гаплашиб турганида Х.Шамшиевнинг автомашинаси олдига икки нафар шахс келиб, ўзини Департамент ходимлари деб таништириб, Х.Шамшиевнинг автомашинасини кўздан кечиришганини ва машинадан 24 дона “Zardeks” дорисини олиб қўйишганлигини, кейин Департамент ходимлари уни ҳам кўздан кечиришганда, ундан ҳеч нарса топилмаганлигини, сўнг Департамент ходимларига бўлган ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ А.Паязов қуйидагиларни, Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” ДУК бош мутахассис лавозимида ишлаб келишини, терговчининг қарорига асосан тақдим этилган, бир турдаги “Zardeks” дори воситаларини текширувдан



ўтказганлигини, “Zardeks” ёзувли капсулалар таркибида “Прегабалин” моддаси мавжуд бўлиб, ушбу моддаларнинг 6 донасини соф миқдори 1,8666 граммни, 40 донасини соф миқдори 12,444 граммни, 24 донасини соф миқдори 7,4664 граммни ва 460 донасини соф миқдори 143,106 граммни ташкил этишини, тақдим этилган дори воситалари заводда ишлаб чиқарилмаганлигини, ҳақиқий “Zardeks” дори препаратиди гепапентин моддаси бўлишини, уни махсус рухсати бор дорихоналарда сотиш мумкинлигини, Республика бўйича фақат у ишлайдиган ташкилотда стандарт асосида текшириш мумкинлигини, бошқа муассасаларда текшира олмаслигини, текширишга тақдим этилган “Zardeks” дори воситаларининг серия рақамлари бир хил бўлиб, улар бир жойда ишлаб чиқарилганлиги ва таъминотчиси бир шахс эканлигидан далолат беришини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ Х.Нурматхўжаев қуйидагиларни, яъни, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМ бош эксперти лавозимида ишлаб келишини, Департаментнинг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан тақдим этилган “Zardeks” дори воситаларини кимёвий экспертизадан ўтказганлигини, ИИБ ЭКБМ кимё лабораториясида прегабалин моддасини сертификатланган стандарти бўлмаганлиги учун “Zardeks” ёзувли капсулалар таркибида прегабалин моддасининг соф вазнини аниқлашнинг имкони бўлмаганлигини, техник хатолик сабабли 975-сонли эксперт хулосасида прегабалин моддасини миқдорини кўрсатиб хатога йўл қўйганлигини, ушбу экспертиза хулосаси илмий асосланмаганлиги сабабли инобатга олмасликни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида тарафлар розилиги билан кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ И.Абдурахмонов қуйидагиларни, 2023 йил 5 октябрь куни Департамент ходимлари тезкор-тадбирда холис сифатида иштирок этишни сўрашганида рози бўлганини, кейин Департаментнинг Мирзо Улуғбек бўлимида аризага тадбирда ишлатиш учун махсус ишлов берилган 2.400.000 сўм пулларни тақдим қилишганлигини, шундан сўнг Чилонзор туманидаги “Ипподром” бозори ёнига боришганлигини, аризагини “Матиз” автомашинаси келиб олиб кетганлигини, уларни орқасидан кузатишиб Зангиота туманига боришганлигини, автобекат олдида аризага “Матиз” автомашинасидан тушганлигини, 10 дақиқадан сўнг “Матиз” автомашинаси қайтиб келиб, аризагини машинага ўтқизганлигини, орадан бироз ўтиб, аризага махсус ишора билдирганлигини, сўнг ходимлар “Матиз” автомашинасини тўхтатиб, хайдовчи Бахтиёр исмли шахсдан ҳолатни сўрашганда, ёнидаги фуқарога таниши Хамидулладан “Zardeks” номли дориларни олиб берганлигини билдирганини, сўнг Бахтиёр тадбир иштирокчиларини Хамидулланинг олдида олиб борганлигини, ходимлар Хамидулладан Бахтиёр дорини ундан олганини сўрашганда, у Бахтиёрга дориларни берганлигини айтганлигини, кейин “Матиз” русумли автомашина кўздан кечиришганда тадбир учун тақдим этилган пул маблағлари ва “Zardeks” номли дори воситалари борлиги маълум бўлганлигини, Хамидулла Бахтиёрга хар



бирини 50.000 сўмдан ҳисоблаб, 2.000.000 сўм эвазига 40 дона “Zardeks” номли дори воситаларини сотганлигини билдириб, олган 2.000.000 сўм пул маблағларини ўз ихтиёри билан тақдим қилганлигини, сўнг ҳолат юзасидан баённомалар расмийлаштирилаётган вақтида Хамидулла яшаш уйида “Zardeks” психотроп моддалари борлигини билдирганлигини, зудлик билан Хамидулланинг уйига борилганда унинг ётоқхонасида 460 дона “Zardeks” психотроп моддалари мавжудлиги аниқланиб, баённома асосида олинганлигини, шундан сўнг, тадбир натижасида Б.Тогаев ва Х.Шамшиевларнинг ёнида ҳамда автомшинасида мавжуд бўлганжами 530 дона “Zardeks” психотроп моддалари олиб қўйилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Б.Тогаев ва Х.Шамшиевларнинг жиноят содир этганликдаги айби уларнинг тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, ариза, пул маблағларига кимёвий ишлов бериш ва овоз ёзиб олиш мосламасини тақдим қилиш ҳақидаги, ўтказилган тезкор тадбир юзасидан, автомашинани кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақидаги баённомалар, кечиктириб бўлмас тинтув ҳаракатларини ўтказиш ҳақидаги қарор ва баённома, фотожадваллар, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 14.10.2023 йилдаги 973, 974, 975 ва 976-сонли кимёвий экспертиза хулосалари, Ўзбекистон Республикаси ССВ “Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг 02.11.2023 йилдаги 874-сонли экспертиза хулосаси, “Ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт маркази” Тошкент шаҳар филиалининг 07.11.2023 йилдаги 2059 ва 2060-сонли далолатномалари, олинган нарсаларни далилий ашё деб топиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд судланувчилар Б.Тогаев ва Х.Шамшиевларнинг жиний ҳаракатларини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Б.Тогаевнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш ва ўтказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддасини 3-қисми билан, Х.Шамшиевнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш ва ўтказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддасини 2-қисми билан, Х.Шамшиевнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш ва ўтказишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддасини 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Суд судланувчи Б.Тогаевга нисбатан жазо тайинлашда жиноятни қасддан ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, оилада ёлғиз боқувчилигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари, кекса ёшдаги онаси ва ногирон тоғаси борлигини, “Гуручариқ” маҳалла фуқаролар йиғинидан ижобий тавсифланганлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят сотиш этишдаги ролини, ундан олинган кучли таъсир қилувчи моддаларнинг миқдорини инobatга олиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топади.

Суд судланувчи Х.Шамшиевга нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, ёшини, соғлиғини, муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий аҳволини, оилада ёлғиз боқувчилигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни қасддан ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноят сотиш этишдаги ролини, ундан олинган кучли таъсир қилувчи моддаларнинг миқдорини инobatга олиб, унга айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо тайинлашда ЖКнинг 33-моддаси талабига риоя қилишни лозим топади.

Суд, “Ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази” Тошкент шаҳар филиалининг 07.11.2023 йилдаги 2059-сонли далолатномасига асосан Б.Тогаев, 2060-сонли далолатномасига асосан Х.Шамшиев гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эканлигини инobatга олган ҳолда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида гиёҳвандликдан мажбурий тарзда даволаш чоралари қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, далилий ашёлар тақдирини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 530 дона “Zardeks” номли



кучли таъсир қилувчи психотроп моддаларни тегишли тартибда йўқ қилишни, бир дона дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига мувофиқ, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Тогаев Бахтиёр Бურიевич (Togayev Baxtiyor Buriyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Б.Тогаевга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Б.Тогаевга озодликдан маҳрум этиш муассасаларида гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш чоралари қўлланилсин.

Шамшиев Хамидулла Садикович (Shamshiev Xamidulla Sadikovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга 7 (етти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2023 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Х.Шамшиевга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан Х.Шамшиевга озодликдан маҳрум этиш муассасаларида гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш чоралари қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 530 дона “Zardeks” кучли таъсир қилувчи психотроп моддалари тегишли тартибда йўқ қилинсин, бир дона диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

М.Каюмов

